

Шахснинг умумий психологик хусусиятлари ҳақида тушунча.

Назирова Д.А. – ТШХПХМОҚТИ

Одам дунёга одам бўлиб келади. Субъектнинг одам зотиға мансублиги индивид тушунчасида ифода қилинади. Ҳайвон боласи эса дунёга келган куниданок ҳаётининг охиригача жонзот деб юритилади. «Индивид» тушунчасида кишининг насл-насаби ҳам мужассамлашган. Янги туғилган чақалоқни ҳам, катта ёшдаги одамни ҳам, мутаффақирни ҳам, ақли заиф овсарни ҳам, ёввойи одамни ҳам, маданиятли мамлакат кишисини ҳам индивид деб ҳисоблаш мумкин.

Индивид сифатида дунёга келган киши алоҳида социал фазилат кашф этади, шахс бўлиб етишади. Психологияда индивид томонидан амалий фаолият ва муносабатлар жараёнида ҳосил қилинадиган ҳамда ижтимоий муносабатларнинг индивидга таъсир ўтказиш даражаси ва сифатини белгилайдиган тарздаги социал фазилатлар мажмуаси шахс тушунчасида ифодаланади.

Шахснинг ўзи нима? Энг аввало, биз шахс индивиднинг фазилати эканлигини тан оладиган бўлсак, бу билан биз индивид ва шахснинг бирлигини тасдиқлаган ва айни пайтда бу тушунчаларнинг бир бирига ўхшашлигини инкор этган бўламиз. «Шахс» ва «Индивид» тушунчаларининг бир бирига ўхшашлигини етакчи психологлар - Б. Г. Ананьев, А. Н. Леонтьев ва бошқалар инкор этишади.

Социал муносабатлар тизимини ўзида мужассамлаштирган субъект бўлиш деган маънони англатади.

«Индивид» ва «Шахс» тушунчаларининг ўхшашлиги эмас балки бирлиги ҳақидаги фикр қуйидагича ўртага қўйилиши мумкин бўлган саволга жавоб берилишини тақозо қилади: Шахс деб ҳисобланмайдиган индивиднинг мавжуд бўлиши ёки аксинча индивиднинг конкрет соҳиби сифатида ундан ташқарида ва усиз мавжуд бўлиш факти кўрсатилиши мумкинми? Тахминий тарзда фикр юритилган тақдирда униси ҳам, буниси ҳам бўлиши мумкин.

Кишилиқ жамиятидан ташқарида вояга етган одам биринчи бор одамларга дуч келиб, биологик хос индивидуал хусусиятлардан бўлак ҳеч қандай, келиб чиқиши жиҳатидан ҳамиша ижтимоий - тарихий характер касб этадиган шахсий фазилатларга эга эканлигини намоён қила олмайди, балки теварак атрофдаги одамлар мабодо уни биргаликдаги фаолият ва муносабат жараёнига «торта олишган» тақдирда уларни пайдо бўлиши учун зарур табиий шарт-шароитларгагина эга бўлади. Ҳайвонлар орасида тарбияланган болалар тажрибасини ўрганиш бу вазифани амалга оширишнинг ғоят даражада мураккаблигидан далолат беради.

«Индивид» ва «Шахс» тушунчаларининг бир бирига мос келмаслиги ва айнан ўхшаш эмаслиги фактидан шу нарса аёнки, шахс тушунчаси биргаликдаги

фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси учун ушбу фаолиятнинг мазмуни, кадриятлари ва моҳияти орқали намоён бўладиган шахслараро барқарор боғланишлар тизимидагина англанилиши мумкин. Ташқаридан шунчаки қараганда бу субъект-субъект муносабатидек кўринади, чуқурроқ ёндошадиган бўлсак бевосита субъект-субъект алоқаси шунчаки ўзича мавжуд бўлишидан кўра кўпроқ аллақандай объектлар (моддий ёки ҳаёлий) объектлар воситасида намоён бўлиши аниқланади. Бу индивиднинг бошқа индивидга муносабати фаолият объекти (субъект-объект-субъект) орқали намоён бўлади, демакдир.

Айтганларнинг ҳаммаси шахсни фаолиятда ва муносабатда таркиб топадиган индивидлараро (субъект-объект-субъектлараро ва субъект-субъект-объектлараро) муносабатларнинг нисбатан барқарор тизими субъекти сифатида англаб етиш имконини беради.

Ҳар бир кишининг шахси унинг индивидуаллигини вужудга келтирадиган хислатлар ва фазилатларнинг фақат унга хос бирикувидан таркиб топгандир. Индивидуаллик ўзига хослигини, унинг бошқа одамлардан фарқини акс эттирувчи психологик фазилатлар бирикмасидир. «Индивид» ва «Шахс» тушунчалари бир бирига ўхшаш бўлмагани сингари, ўз навбатида шахс ва индивидуаллик ҳам бирликни ташкил қилади, лекин улар бир-бирига ўхшаш эмасдир. Муайян социал бирлик учун етакчи фаолиятга кўпроқ даражада «жалб қилинган» индивидуал фазилатларгина шахснинг хусусан ўзига хос фазилатлари сифатида юзага чиқади. Мисол учун эпчиллик ва қатъийлик ўспириннинг индивидуаллиги белгилари бўлгани ҳолда, жумладан у спортда туман биринчилигига давогар командага қўшилмагунча ёки узок жойларга туристик саёҳат пайтида у тезоқар ва муздек дарёдан кечиб ўтилишини таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олмагунга қадар унинг шахсини таърифлайдиган белги сифатида юзага чиқмай келди. Айнан шу сабабли ҳам педагог учун аҳамиятли бўлган ўқувчига индивидуал ёндошишни амалга ошириш вазифасини ажратиб кўрсатиш керак. Бу эса ўқувчининг дифференциал-психологик хусусиятлари (хотираси, диққати, темпераменти, у ёки бу қобилиятларининг ривожланганлиги ва ҳоказо) ни ҳисобга олишни, яъни ўқувчининг ўз тенгдошларидан нимаси билан фарқ қилиши ва шу муносабат билан тарбиявий ишни қандай ташкил этиш кераклигини аниқлашни тақозо қилади.

Ўқувчининг тафаккури, иродаси, хотираси, ҳис-туйғуларининг индивидуал хислатларини ҳисобга олиш билангина чекланмасдан, балки индивиднинг жамоадаги ва жамоанинг эса унинг шахсидаги мавқеини аниқлашга йўналтирилган ёндошувгина инсоннинг социал боғланишлар тизимининг шахсда намоён бўлиши сифатидаги моҳиятини илмий англаб олишга мос келадиган шахсий ёндошув тарзида талқин қилиниши мумкин.

Ўқувчининг ҳақиқий муносабатлар тизимига кирадиган шахси ҳамиша педагогнинг диққат марказида туриши керак. Ўқувчининг маънавий дунёсини бойитиш эса педагогнинг доимий вазифаси бўлиб қолиши керак.

Психологияда индивидуалликнинг кўпгина хислатлари - мослашувчанлик, тажовузкорлик, мойиллик даражаси, ташвишланиш ва шу кабилар аниқланган. Булар жамланиб, индивиднинг ўзига хослигини кўрсатади. Бу психологик ҳодисалар ўз моҳиятига кўра ўзаро муносабатда бўлиб, ошкора ёки ошкора бўлмаган ҳолда аллақандай муҳитнинг мавжудлигини тақозо этади. Шахс айнан ана шундай муҳитга нисбатан мослашувчанлик, тажовузкорлик, ташвишланиш ва ҳоказоларни намоён қилади.

Шундай қилиб, инсон шахсининг тузилиши индивидуалликнинг тузилишига қараганда кенг эканлиги шубҳасиздир. Шу боисдан бунга биринчи навбатда, унинг индивидуаллигини кўрсатадиган ва фақат эхтиросда, ички қиёфада, қобилиятларда ва ҳоказоларда анча кенг ифодаланадиган фазилатлари ва умумий тузилишигина эмас, балки шахснинг ривожланиш даражаси ҳар хил бўлган гуруҳларда, ана шу гуруҳ учун етакчи ҳисобланган фаолият орқали ифодаланадиган индивидлараро муносабатларда ўзини намоён этишини ҳам қўшиш шарт. Индивидуал- типик хусусият шахс яшаётган ва шаклланаётган бирликнинг ривожланишига ва индивидлараро муносабатларнинг билвосита ифодаси ҳисобланган фаолиятнинг характери, қадриятлари ва мақсадларига боғлиқ тарзда жиддий равишда турли хил кўринишда намоён бўлади.

Индивид ривожланишининг табиий шарт-шароитлари, унинг жисмоний тузилиши, нерв ва ички секреция безлари тизими, жисмоний тузилишдаги афзалликлари ва нуқсонлари унинг индивидуал психологик фазилатлари шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади. Лекин биологик хусусият киши шахсини таркибига сингиб, ижтимоий омилга айланиб қолади ва кейинчалик ижтимоий шаклда (психологик жиҳатдан) мавжуд бўлади. Жумладан, мия патологияси индивидда, унинг тузилишида, унинг биологик жиҳатлари билан боғлиқ, лекин шахсий белгилари ҳисобланмиш индивидуал психологик хислатларни келтириб чиқаради. Улар ижтимоий сабабиятларга (детерминацияга) кўра шахснинг конкрет фазилатларига айланиб қолиши ҳам, айланмаслиги ҳам мумкин.

Табиий, таркибий жиҳатлар ва белгилар киши шахсининг индивидуаллиги тузилишида унинг ижтимоий жиҳатдан тақозо этилган қисмлари сифатида мавжуд бўлади. Табиий (анатомик, физиологик ва бошқалар) фазилатлар ва ижтимоий хислатлар бирликни ташкил топтиради ва шахснинг мустақил кичик тузилиши сифатида бир-бирига ўзидан-ўзи қарама-қарши қўйилиши мумкин эмас. Шахс тузилишининг уч таркибий қисми мавжуд: 1) Шахс тузилишига биринчи навбатда унинг индивидуаллигининг тизимли тузилиши киради. Шу тариқа шахс

тузилишининг биринчи таркибий қисми-унинг индивид ичкарасидаги (интраиндивид) кичик тизимининг алоҳида намоён бўлишидир.

2) Шахс тузилишининг иккинчи таркибий қисми-шахснинг шахслараро бўшлиқдаги индивидлараро муносабатларда, алоқаларда мавжуд бўлишидир, яъни индивиднинг органик тарздаги гавдасидан ташқаридаги «бўшлиқда», «фазода» намоён бўлишидир.

3) Шахс тузилишини таркиб топтирадиган учинчи бир қисми- метаиндивид (индивиднинг устки кўриниши) кичик тузилишини ҳам алоҳида кўрсатиш имкониятидир. Бунда шахс индивиднинг органик гавдасидан ташқарига чиқарилиб қолмасдан, балки унинг бошқа индивидлар билан «шу ерда ва эндиликда» мавжуд бўлган алоқаларидан ҳам ташқарида жойлаштирилади.

Шундай қилиб, инсон шахсининг тузилиши учта таркибий қисмдан, учта кичик тизимдан иборатдир: шахснинг индивидуаллиги, унинг шахслараро муносабатлар тизимида гавдаланиши ҳамда шахснинг ўзи келиб чиқишига кўра индивидлараро, ижтимоий алоқалар ва муносабатлар субъекти сифатида мавжуд бўлишидир.

Ҳар уччала кичик тузилиш бирлиги шахс обрў-эътиборида намоён бўлади.

Индивиднинг шахс даражасига кўтарилиши эҳтиёжи конкрет тарихий шаклда мавжуд бўлиб, синфий мазмунга эгадир. Жамиятда яшаётган кишида таълим-тарбия бериш ишлари тўғри йўлга қўйилган тақдирда ижтимоий фойдали фаолиятда шахс даражасига кўтарилиш эҳтиёжининг шаклланиши ва қондирилиши учун зарур барча шарт-шароитлар таркиб топади.

Шахс фаоллиги ва йўналтирилганлиги. Кишининг теварак атрофга муносабатда, биргаликдаги ва ижодий фаолиятда намоён бўладиган ижтимоий аҳамиятга молик ўзгаришлар қилиш лаёқати шахснинг фаоллиги деб тушунилади. Бу унинг ғоявий принципиаллигида, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олишида, сўзи билан иши бирлигида ифодаланадиган ҳаётий позициясида кўринади.

Ҳозирги пайтда ғарб психологиясида шахсни тадқиқ қилиш ва тушуниш борасида «Инсонпарварлик психологияси» деб аталмиш- психоаналитик (психоанализ) назариялари ва қарашлари (шахснинг экзистенциализм назарияси - «яшаб қолиш», «кун кўриш» ғояси билан боғлиқ, унинг тарафдорлари Л. Бинсвагер, М. Босс, Е. Минковски, Р. Мей, В. Франкл, Дж. Бугентал ва бошқалар) энг нуфузли йўналишлар бўлиб ҳисобланади.

Асримиз бошларидаёқ веналик психатр ва психолог Зигмунд Фрейд (1856-1939) шахс фаоллиги манбаи ва характерининг ўзича талқинини тавсия қилган эди. З.Фрейд фикрича кишининг фаоллиги худди ҳайвонлардаги каби инстинктларга, биринчи навбатда жинсий, шахвоний инстинктларга боғлиқ эмиш.

/арб психологиясининг, асосан америкапараст психологиянинг яна бир назарий йўналиши «Инсонпарварлик психологияси» бир қарашда психоанализ

назариясига зид бўлиб кўринса-да аслида бир бирига яқин. Карл Роджерс (1902-1987), А. Маслоу, Абрахам Харольд (1908-1970), Олпорт Гордон (1897-1967) ва бошқалар шахс фаоллигининг асосий сабаби келажакка, ўзлигини намоён қилишга интилишдир деб ҳисоблайдилар.

Дунёни одамларнинг ўзлари ўзгартирадилар, лекин буни онгли равишда амалга ошириш учун даставвал уни ўзгартиришда, уни қуришда иштирок этишга йўналтирилган бўлиши керакки, бу иш жараёнида шахснинг ўзи ҳам ўзгаради. Ҳозирги замон илмий психологияси киши ўз фаоллигини фаолият жараёнида ва энг аввало, биргаликдаги фаолият жараёнида намоён қилиши тўғрисидаги қонидани қабул қилади. Шахс фаоллигини ва фаолиятини йўналтириб турадиган ва мавжуд вазиятларга нисбатан боғлиқ бўлмаган барқарор мотивлар мажмуи киши шахсининг йўналтирилганлиги деб аталади. Мотивлар оз ёки кўп даражада анланган бўлиши ёки умуман анланилмаган бўлиши ҳам мумкин. Шахснинг йўналтирилганлигида анланган мотивлар асосий рол ўйнайди.

Киши фаолият натижасини ҳаёлан олдиндан белгилаб берадиган мақсаднинг ўзигина эмас, балки ушбу мақсад аҳамиятига молик объектда рўёбга чиқишининг реаллиги ҳам анланилган бўлса, бу ҳол шахснинг истиқболи деб қаралади. (Перспектива).

Истиқболни анлаш кишига таби хиралик, ўз кечинмаларига қарама-қарши руҳсизлик, тушкунлик ҳолатини келтириб чиқариши фрустрация деб аталади. Бу кишининг мақсадига эришиши йўлида реал тарзда бартараф этиб бўлмайдиган деб ҳисобланган ёки шундай деб идрок этиладиган тўсқинликка, ғовларга дуч келган ҳолларда юз беради. Фрустрация шахснинг хулқ атворида ва унинг ўзини анлашида турли хил ўзгаришларга олиб келади.

Шахс йўналтирилганлиги унинг қизиқишларида, эътиқоди ва дунёқарашида намоён бўлади. Қизиқиш - бирон соҳада тўғри мўлжал олишга, янги фактлар билан танишишга, воқеликни анча тўла ва чуқур акс эттиришга ёрдам берадиган мотивдир.

Қизиқишлар билишнинг доимий қўзғатувчи механизми сифатида намоён бўлади. Қизиқишлар мазмунига, мақсадларига, миқёси ва барқарорлигига қараб белгиланади (ижобий ёки салбий). Қизиқишлар-шахс фаолиятини асослашнинг бирдан бир эмас, лекин муҳим шартидир. Хулқ атворнинг муҳим мотивларидан бири эътиқоддир. Эътиқод-шахсни ўз қарашларига, принципларига, дунёқарашига мувофиқ тарзда иш кўришга даъват этадиган мотивлар тизимидир. Бу билимлар нуқтаи назарларнинг тартибга солинган ва ички уюшган тизимини (фалсафий, эстетик, ахлоқий, табиий-илмий) ташкил этган тақдирда кишининг дунёқараши сифатида талқин қилиниши мумкин. Дунёқараш синфий характерга эга.

Шахснинг ўзини анлаши, «МЕН» сиймоси. Киши ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳисобланган муносабатлар тизимига кирган, одамлар билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилган ва

муносабатда бўлган ҳолда ўзини атроф муҳитдан алоҳида ажратиб кўрсатади, ўзининг жисмоний ва психологик ҳолати, ҳаракатлари ва жараёнларининг субъекти сифатида акс этади. Ўзи учун «бошқаларга» қарши турган ва айни чоғда улар билан боғлиқ бўлган «МЕН» сифатида намоён бўлади. 2-3 ёшли болалардаёқ «МЕН» сиймоси шакллана бошлайди. («Сеники эмас - меники», «менга беш» ва ҳоказо (И. С.Кон).

Катта ёшдагиларда ўз хусусий «МЕН» сиймоси қатъий шаклланади. («МЕН-сиймо», «МЕН-концепция»). «МЕН» сиймоси - индивиднинг ўзи ҳақидаги нисбатан барқарор, кўпроқ ёки озроқ даражада англанмаган, бетакрор деб ҳис қилинадиган тасаввурлар тизимидирки, индивид бошқалар билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилишда ана шунга асосланади.

Ҳар қандай йўл-йўриқ каби «МЕН» сиймоси учта компонентни ўз ичига олади: биринчиси - когнитив таркибий қисм; иккинчиси - ҳиссий-баҳолаш таркибий қисм; учинчиси – ҳулқ-атвор-иродавий таркибий қисм.

«МЕН» сиймоси - ижтимоий муносабатларнинг ҳам шарт-шароити ва ҳам оқибатидир. «МЕН» сиймоси ҳосил бўлишининг яна бир кўриниши «хаёлий МЕН» дан иборатдир. Агар иложи бўлса, орзу қилинган даражага етиш, умуман ўзининг тасаввур қилганидек бўлиб қолиш истагида эканлигини айтиб қўйиш керак. «МЕН»нинг бу хилдаги сиймоси айниқса ўспиринлик даврида жуда катта аҳамиятга эга.

Ўзига ўзи баҳо бериш - шахснинг ўзи томонидан ўзига, ўз имкониятларига, бошқалар орасидаги фазилатларига ва ўз ўрнига баҳо берилишидир. Бу шахснинг ўзини англаб етишини психологияда анча муҳим ва энг кўп ўрганилган жиҳати ҳисобланади. Ўзига ўзи баҳо бериш орқали шахснинг ҳулқ - атвори тўғрисида, тартибга солиб турилади.

Психологияда кишининг ўзига ўзи берадиган баҳони, унинг миқдорий ва сифат тарифини аниқлашнинг бир қатор экспериментал методлари мавжуд. (Ўз-ўзини текшириш тестлари, ўз-ўзини кузатиш, кундалик юритиш).

Учта кўрсаткич - ўзига ўзи баҳо бериш, кутилган баҳо, гуруҳнинг шахсга берган баҳоси - шахснинг тузилишига киради ва киши буни хоҳлайдими - йўқми, у ўзининг гуруҳдаги кайфиятини, ўзи эришган натижаларини муваффақиятли ёки муваффақиятсиз эканлигини ўзига ва теварак атрофдагиларнинг унга нисбатан нуқтаи назарларини белгилайдиган субъектив воситаларни ҳисобга олишга мажбурдир.

Англашилмаганлик - бу назорат қилинмаслик дегани эмас. Аҳамиятга молик баҳо шахс камолотига таъсир кўрсатади. Ўзига ўзи баҳо бериш шахс интилишлари даражаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Шахс кишининг конкрет-тарихий ҳаёт кечириши шароитларида, фаолият жараёнида шаклланади. Шахс шаклланиши жараёни гуруҳларда ва жамоада амалга ошириладиган таълим ва тарбияга ҳам боғлиқдир.